

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАХИМОВ НОДИР МАХАММАТКУЛОВИЧ

**РЕГИОНАР ЛИМФА ТУГУНЛАРИДА МЕТАСТАЗ БЎЛГАН БУЙРАК
ХУЖАЙРАЛИ САРАТОННИ ТАСХИШЛАШ ВА ДАВОЛАШДА
ЯНГИ ЁНДОШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Рахимов Нодир Махамматкулович Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш.....	3
Рахимов Нодир Махамматкулович Разработка новых подходов к диагностике и лечению почечно-клеточного рака с метастазами в регионарных лимфатических узлах.....	29
Rahimov Nodir Makhammatkulovich Development of new approaches in diagnostics and treatment of renal cell cancer with metastasis to regional lymph nodes.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018. Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАХИМОВ НОДИР МАХАММАТКУЛОВИЧ

**РЕГИОНАР ЛИМФА ТУГУНЛАРИДА МЕТАСТАЗ БЎЛГАН БУЙРАК
ХУЖАЙРАЛИ САРАТОННИ ТАСХИШЛАШ ВА ДАВОЛАШДА
ЯНГИ ЁНДОШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.Dsc/Tib253 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.med.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ходжаев Абдувоҳид Валиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аллазов Салах Аллазович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Полатова Джамиля Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018. Tib.77.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100110, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz.).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100110, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-29-78.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А. Гафур-Ахунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, буйрак хужайраси саратони дунёда катталардаги барча хавфли ўсмаларнинг 3%ни ва буйрак ўсмаларининг 97% ни ташкил қилади¹. Буйрак ўсмаси билан касалланиш жиддий географик ўзгарувчанликка эга бўлиб, «...ушбу ўсма касаллиги билан касалланиш 2013 йилда 100 минг аҳоли учун 8,4 бўлса, 2017 йилда касалланиш кўрсаткич 8,9 даража, йиллик ўлим кўрсаткичи 0,5% ни ташкил этди, 2017 йилда бу маълумотлар ўзгармади ва йиллик ўлим 0,5% ни ташкил қилди...»², бу эса ташхислаш ва даволашни яхшиланишини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, бу йўналишдаги тадқиқотлар ўсма жараёнининг иммунологик морфологик хусусиятларига қараб жарроҳлик даволаш усулларининг хусусиятларини танлаш ва БХР касалликларининг иммуногистокимёвий ҳолатини баҳолаш, цитогенетик, информатив онкомаркерларни, шунингдек муайян даволаш тактикасини қўллашни танлаш ва самарадорлигини баҳолаш учун специфик ташхисот тестларни излаш, метастатик буйрак саратони ҳолатларида операцияларни амалга оширишда жарроҳлик даволаш усулларининг хусусиятларини, шунингдек ушбу тоифадаги беморларнинг жарроҳлик даволанишини кейинги тактикасини танлаш учун энг специфик иммуногистокимё маркерлари масалаларини хал қилишга имкон беради.

Жаҳонда регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада буйрак хужайрали ўсма касалликларида маҳаллий лимфа тугунларининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда радикал нефрэктомия қилинганидан кейин VEGF-C онкомаркерларини патоморфологик ва иммуногистокимёвий изланишларни ретроспектив таҳлил қилиш; буйрак хужайрали саратонида маҳаллий лимфа тугунлари зарарланиши ташхисотида ноинвазив визуализация усулларининг самарадорлигини, буйрак хужайрали ўсмасида лимфодиссекциясини бажариш учун маҳаллий лимфа тугунларига жарроҳлик йўли билан киришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Патологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар асосида буйрак хужайрали саратонида селектив ва кенгайтирилган лимфодиссекцияли нефрэктомиядан кейин беморларнинг умр кўриш давомийлигини ижобий кўрсаткичларини қиёслаш ва лимфодиссекция самарадорлигини прогностик мезонларини, буйрак хужайрали саратонини лимфа тугунларида метастаз билан даволашга қаратилган мақсадли жарроҳлик амалиётини оптимал усулларини танлаш ва самарали янгича даволаш усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ ЖССТнинг маълумотлари, 2017 йил ҳисоботлари

² Волкова М. И., Скворцов И. Я., Климов А. В. Влияние объема хирургического вмешательства на функциональные результаты и кардиоспецифическую выживаемость у больных клинически локализованным раком почки // Онкоурология. - 2014. - № 3. - С. 22-30

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларини камайтириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»³ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866–сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Verona (Италия), Medical University of Graz (Австрия), Sichuan University (Хитой), Gazi University (Туркия), University of Ottawa (Канада), Columbia University, University of Texas, Yale University, University of Kansas, Oxford University, University of Washington (АҚШ); University of Tokyo (Япония); University of

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.univr.it; www.medunigraz.at; www.en.scu.edu.cn; www.gazi.edu.tr; www.mcmaster.ca; www.columbia.edu; www.uottawa.ca; www.utexas.edu; www.yale.edu www.medunigraz.at, [://www.cancer.gov/](http://www.cancer.gov/), [//www.uab.cat/web/universitat-autonoma-de-barcelona.html](http://www.uab.cat/web/universitat-autonoma-de-barcelona.html), www.oia.hokudai.ac.jp [//www.aseic.org/expert](http://www.aseic.org/expert), [//www.ewha.ac.kr/mbs/ewhaen/](http://www.ewha.ac.kr/mbs/ewhaen/), <http://www.bloodscience.ru/>, qonber.uz/pages/pages_uz/news.html [/www.ouhsc.edu/](http://www.ouhsc.edu/), www.bumc.bu.edu/busm/cancer-center/, <http://www.gifu-u.ac.jp/en/>, www.kindai.ac.jp/english/ ва бошқа манбалари асосида амалга оширилди.

Edinburgh (Англия); University of Verona (Италия); South Korea University (Жанубий Корея); Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); Universidade de Uberaba, Estacio de Sá University, Federal University of Rio de Janeiro; Universidade Estadual Paulista (Бразилия); University of Amsterdam, The Netherlands University (Нидерландия); University of Western Australia (Австралия); Cairo University (Миср); Taipei Medical University, Taiwan (Таиван); Medical University of Graz (Австрия); Ихиллов клиника қошидаги Онкология маркази (Израил), Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази Федерал Давлат бюджет муассасаси (Россия); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Юинг саркомасининг нафақат суяк ва юмшоқ тўқималарда, балким, катта ёшли инсонларда буйрак ва буйрак усти безларининг зарарланиши оқибатида ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари асосланган (Gazi University, Туркия); буйракнинг ўсма касалликларида ўсма атрофидаги хужайраларининг иммунобиологик жиҳатдан даволашнинг самарадорлик кўрсаткичлари исботланган (Columbia University, АҚШ); бензол ва бошқа органик кислоталар таъсирида лейкокемия ва миеломалар ривожланиши исботланган (Occupational Safety and Health Research Institute (Корея); гемабластозлар ривожланишида Y хромосомларнинг молекуляр бузилишининг аҳамияти исботланган (University of Oklahoma Health Sciences Center (АҚШ); ўсмалар орасидаги гетерогенлик хусусиятлари ва тузилиши бўйича ўпка хужайраларнинг карциномасининг фарқли маркерлари исботланган (University of Verona (Италия); операциядан олдинги лейкоцитлар, тромбоцитлар ва камқонликнинг хавфсиз, метастаз бермаслик хусусиятлари асосланган Medical University of Graz (Австрия); пролеферацияни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг гепато, сплено ва нефротоксик таъсири аниқланган (Universitat Autònoma de Barcelona (Испания); Division of Hematology-Oncology, Ewha Womans University, (Корея); ўсма касалликларни ривожланишининг молекуляр-генетик механизмлари ҳамда касалликни даволашда дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш механизми яратилган (Онкология илмий маркази, Россия); регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак саратонини ташхислаш ва даволаш тизими такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, кимёвий бирикмаларнинг канцерогенлик хавфини асослаш; ўсмалар ўсишининг молекуляр генетикаси, ўсмаларнинг микромуҳитини ўзгариш механизмини ишлаб чиқиш; буйрак хужайрали ўсма касалликларида

маҳаллий лимфа тугунларининг радикал нефрэктомиядан кейин VEGF-C онкомаркерларини патоморфологик ва иммуногистохимёвий усулларни асослаш; буйрак саратонида лимфодиссекциясини бажариш учун маҳаллий лимфа тугунлари ва магистрал қон томирларини хирургик амалиётни ҳамда буйрак хужайрали саратонини лимфа тугунлари метастазида мақсадли хирургик амалиётнинг оптимал усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 2017 йилда Ganesh S ва Palapati et all., берган маълумотларга кўра буйрак-хужайра хавфли ўсмаси (БХХЎ) ташхиси қўйилган беморлар учун лимфодиссекциянинг аҳамияти (ЛД) ноаниқ вазиятни кўрсатади. Бугунги кунда ЛД ташхисни аниқ қўйилиши ва ижобий майдон хавфини пасайтириши мумкин бўлган замонавий ташхислаш усуллари ва жарроҳилик амалиёти қатор олимларнинг ишлари келтирилган (Аляев Ю. Г, Крапивин А. А., 2005; Алексеев Б. Я., Калпинский А. С., Ньюшко К. М., 2012; Аляев Ю. Г. Глыбочко П. В., Григорян З. Г. 2009; Аляев Ю. Г, Крапивин А. А., 2005) бу эса ўз ўрнида маҳаллий рецидив хавфини камайитиришга олиб келиши ҳамда ЛДни лимфоденэктомия кўринишида метастатик зарарланиши бўлган беморларда ҳам қўллаш мумкинлиги қатор ишларда исботланган (). Ҳозирги кунга келиб мавжуд бўлган маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, патологик тавсифга ёки нохуш клиник ҳолатдаги касалликни маҳаллий ривожланиши (Fuhrmannи юқори даражаси, йирик хавфли ўсмалар, саркаматоид белгиларнинг ёки хавфли ўсманинг коагуляцион некрози кузатилган беморларда (Т3-Т4) ЛУни техник жиҳатдан олиб ташлаш имкони бўлганда ЛДни кенгайтириш фойдалидир. Бироқ, лимфа тугунларида метастазларга эга бўлган беморларда кўпинча узоқ метастаз белгилари ҳам аниқланади, кўп сондаги ретроспектив рандомизирланганмаган тадқиқотлар ҳатто шу гуруҳ беморларида ҳам маҳаллий ЛДнинг самарали имкониятларини кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал этишга бағишланган ягона рандомизирланган тадқиқотда EORTC 30881га нисбатан ва нефрэктомия вақтида ЛДнинг аҳамиятини аниқлаш қобилиятига хавфсираш билан қараш фикрларини билдирдилар. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра тос лимфатик тугунларни олиб ташлаш билан бирга амалга оширилган ЛДни кенгайтиришдан сўнг асоратлар уч марта кўпроқ учрайди. Бошқа муаллифлар эса ЛДли лапароскопик нефрэктомияни бошидан ўтказган беморларда лимфореияни, фақат нефрэктомияни бошидан ўтказган беморларга нисбатан юқори даражада бўлишини исботланган (Аляев Ю. Г, Крапивин А. А., 2005; Алексеев Б. Я., Калпинский А. С., Ньюшко К. М., 2012; Аляев Ю. Г. Глыбочко П. В., Григорян З. Г. 2009; Аляев Ю. Г, Крапивин А. А., 2005). Ушбу муаммони ҳал этишга бағишланган ягона рандомизирланган тадқиқотда EORTC 30881га нисбатан ва нефрэктомия вақтида ЛДнинг аҳамиятини аниқлаш қобилиятига хавфсираш билан қараш фикрларини билдирдилар. Тадқиқотда асосий чегара бўлиб, беморлардаги нисбий паст хавфи ҳисобланади. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра тос лимфатик тугунларни олиб ташлаш билан бирга амалга оширилган ЛДни

кенгайтиришдан сўнг асоратлар уч марта кўпроқ учрайди (Глибочко П.В., 2011).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли ички аъзоларнинг хавсиз ва хавфли ўсма касалликларини жаррохлик ва консерватив усулларда даволаш тизимида қатор ишлар бажарилган, яъни хавфли ўсма хужайраларини молкуляр-генетик башорат қилиш омилларини p53 индуктор апаптози, Bcl 2 индуктор апаптози ва Ki-67 маркер пролифацияси исботланган Низамов Д.М. 2012; ичакларнинг патоморфологик кўрсаткичлари сфинктр сақловчи жаррохлик амалиёти амалга оширилди Д.А.Нишонов, 2018; Х. Я. Каримов канцерогенез механизми, Д. А. Пўлатов гепатоцеллюляр саратон онкологик механизмлари каби тадқиқотлар олиб борилган.

Буйрак хужайрали ўсмасида маҳаллий лимфа тугунлари зарарланиши ташхисотида ноинвазив визуализация усулларининг самарадорлигини, буйрак хужайрали ўсмасида лимфодиссекциясини бажариш учун маҳаллий лимфа тугунларига жаррохлик йўли билан киришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, лимфа тугунларига метастаз билан буйрак хужайрали ракини даволашга мўлжалланган мақсадли даволашнинг оптимал усулларини такомиллаштириш, замонавий онкологик даволаш тизими самарадорлигини ошириш учун чуқур ўрганиш заруриятини тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

буйрак саратони ҳолатида маҳаллий лимфа тугунларининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда радикал нефрэктомия қилинганидан кейин VEGF-C онкомаркерларини патоморфологик ва иммуногистохимёвий изланишларни ретроспектив таҳлил қилиш;

буйрак хужайрали ракида маҳаллий лимфа тугунлари зарарланиши ташхислашда ноинвазив визуализация усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

буйрак хужайралисаратонида лимфодиссекциясини бажариш учун маҳаллий лимфа тугунларига жаррохлик йўли билан киришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш;

патологик ва иммуногистохимёвий ўзгаришлар асосида буйрак хужайрали саратонида селектив ва кенгайтирилган лимфодиссекцияли нефрэктомиядан кейин беморларнинг умр кўриш давомийлилик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;

буйрак хужайрали саратонда лимфодиссекция самарадорлигини башоратлаш мезонларини баҳолаш;

буйрак хужайрали саратонида лимфа тугунлари метастазини даволашнинг оптимал усулларини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида (2009-2017 йй) даволанган 130 нафар маҳаллий лимфа тугунлари метастази ва метастазларсиз буйрак хужайрали саратони бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммуногистокимёвий ва онкомаркерларни баҳолаш учун тасдиқланган буйрак ҳужайрали саратон ташхисига эга беморлардан олинган гистологик препаратлар ва ўсма касалликлари регистри маълумотларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда рентгенологик, ультратовуш, морфологик, иммуногистокимёвий, нурли, жарроҳлик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тарқалган буйрак саратонида ўсма ҳужайралари фаоллигининг морфологик ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичлари юқори метастатик потенциалга мойил омилларни беморларни танлашга асосланган;

лимфоген метастазларни баҳолашда ультратовуш ҳамда магнитли резонанс томографик ташхислашдан компьютер томография тадқиқотининг юқори самарадорлиги исботланган;

маҳаллий лимфа тугунлари ва магистрал қон томирларига Трейц бойламини кесиш билан янги жарроҳлик амалиёти ишлаб чиқилган;

лимфа тугунларига метастазлар билан буйрак саратонини даволаш учун адъювант таргет терапиянинг оптимал тизими ишлаб чиқилган;

буйрак саратонида VEGF-C иммуногистокимёвий маркерлари, лимфодиссекция ва таргет терапия турини танлаш имконини берувчи маркерлар асосида адъювант таргет даволаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат.

метастазлар тарқалганлиги, локализацияси ва VEGF-C прогнози иммуногистокимёвий омилларига боғлиқ ҳолда буйрак ҳужайрали саратони лимфа тугунларида метастаз берган беморларни оптимал жарроҳлик даволаш тактикаси баҳоланган;

буйрак саратонида лимфодиссекция учун кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва беморларни текшириш ва даволашнинг операциядан олдинги ва кейинги босқичларида ўсма авж олиши хавфи юқори гуруҳга мансублигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

лимфодиссекция қилиш учун Трейц бойлами кесмаси билан буйрак маҳаллий лимфатик коллекторларига янгича жарроҳлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган даволаш алгоритмининг тадбиқ қилиш маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар билан буйрак ҳужайрали ўсмали беморларнинг ўлим кўрсаткичини, ўртача умр кўришини ва ҳаёт сифатини оширган;

маҳаллий лимфа тугунлари метастазлар билан буйрак ҳужайрали саратони мавжуд беморларни даволашнинг энг оқилона тактикасини ишлаб чиқишга имкон яратганлиги асослаш, даволаш тизимини такомиллаштириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-экспериментал, функционал, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва

статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буйрак хужайрали ракида лимфа тугунларида метастатик зарарланишларини ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамиятга эга. Иммуногистокимёвий натижалар ва адъювант таргет даволаш самарадорлигига қараб, буйрак хужайра ракида маҳаллий лимфа тугунлари метастатик зарарланишларини даволаш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқилди. Иммуногистокимёвий маълумотлар ҳисобга олган ҳолда маҳаллий лимфа тугунларининг метастатик зарарланишларида кенгайган лимфодиссекция ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган. Ишнинг якуний натижалари буйрак хужайрали саратонинида маҳаллий лимфа тугунларини метастатик зарарланиши бўйича курсантларни ўқитиш дастурининг таркибини ва структурасини мукамаллаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий лимфа тугунлари метастатик зарарланишини жарроҳлик даволашда маҳаллий лимфа тугунлари ва буйрак магистрал томирларига янги жарроҳлик кириш усулининг ишлаб чиқилиши ва клиник амалиётга жорий қилиниши, шунингдек аралашувнинг тактик ва техник жиҳатларини модернизация қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар ва меҳнат, ижтимоий чекловлар частотасини камайтириш имконини берди. Исботландики, VEGF-C иммуногистокимёвий таҳлили энг юқори эҳтимоллик билан кечки лимфоген метастаз ёки рецидив хавфи юқори беморлар гуруҳини ажратиш имконини беради, бу эса оптимал даволаш тактикасини танлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган. Ишлаб чиқилган алгоритм ташхислаш сифатини яхшилаш ва адъювант таргет терапия турини танлашни оптималлаштириш имконини бериши билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Буйрак хужайрали саратонида маҳаллий лимфа тугунлари ва интралюминар веналар тромбозини ташхислаш учун ноинвазив усуллар» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 8н-д/8-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак хужайрали саратонида маҳаллий лимфа тугунлари ва интралюминар веналар тромбози ташхислашда ноинвазив усулларни такомиллаштириш имконини берган;

«Буйрак хужайрали саратони регионал лимфа тугунларига хирургик ёндошиш тизими» услубий кўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 8н-д/8-сон маълумотномаси). Мазкур услубий кўлланма буйрак хужайрали саратонини лимфа тугунларига кириб бориш замонавий хирургик усулини жорий қилиш ва хирургик амалиётини самарасини такомиллаштириш имконини берган;

«Буйрак саратонини лимфатик метастазларни нурли ташхиси» услубий кўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 8н-д/8-сон маълумотномаси). Мазкур услубий кўлланма буйрак саратонида лимфатик метастазларни УТТ, МСКТ ва МРТ инструментал усулари ёрдамида самарали ташхислаш имконини берган;

регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология тиббиёт маркази бўлими, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази онкология ва радиология марказининг Сирдарё ва Қашқадарё вилояти филиаллари маҳаллий диспансер бўлимиларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 январдаги №8н-з/б-сонли гувоҳнома). Таклиф этилган тадқиқот натижалари асосида, буйрак хужайрали ракида лимфа тугунлари метастатик зарарланган беморларга ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш доираси анча кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак хужайрали саратонни ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида буйрак саратонида лимфа тугунларининг метастатик зарарланишини ўрганишга бағишланган адабиёт манбалари таҳлил қилинган. Буйрак саратонида лимфа тугунлари метастатик зарарланишлари патогенези, метастаз хусусиятлари келтирилган, диагностик усуллари, консерватив, жарроҳлик даволаш усуллари таҳлил қилинган, этиологиясига қараб буйрак саратонида лимфа тугунлари метастатик зарарланиши характеристикаси келтирилган, дифференциал ташхислаш ва даволашнинг даврий натижалари тасвирланган.

Диссертациянинг «**Регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак хужайрали саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган беморларнинг умумий характеристикалари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, тадқиқотда қўлланиладиган усуллар ҳақида маълумот тақдим этилди.

Ушбу ишнинг асосини 2010-йилдан 2017-йилгача Ўзбекистон Республикаси ихтисослашган Онкология ва радиология марказида госпитализация қилинган 130 нафар буйрак саратонибўлган беморларни текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш ташкил қилди. Барча беморларга жарроҳлик даволаш ўтказилган.

Ўнг буйракнинг зарарланиши 72 (55,4%) тада, чап буйракнинг зарарланиши 58 (44,6%) ҳолатда қайд этилди. Беморлар лимфодиссекция ҳажмига мувофиқ шартли равишда 3 гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳ 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда анъанавий (лимфодиссекциясиз) нефрэктомия қилинган 35 (26,9%) бемордан иборат. Биринчи гуруҳдаги беморлар орасида аёллар сони 18 (51,4%), 17 (48,6%) эркекларга тўғри келади, нисбати эса 1:1,1ни ташкил этди. Ёш оралиғи 21 дан 78 ёшгача, беморларнинг ўртача ёши $55,3 \pm 1,4$ йилни ташкил қилди. Ўнг буйрак зарарланиши 17 (48,6%) та эркекларда ва 13 та (37,1%) аёлларда ва чап буйраклар зарарланиши - 2 (5,7%) эркекларда ва 3 (8,6%) аёлларда кузатилди.

Иккинчи гуруҳ 42 (32,3%) бемордан иборат бўлиб, уларда нефрэктомия билан селектив лимфодиссекция ўтказилган. Ушбу гуруҳда эркеклар ва аёллар сони бир хил бўлган - 21 (50,0%), нисбати эса 1:1. Ёш оралиғи 21 дан 78 ёшгача, беморларнинг ўртача ёши эса $54,0 \pm 1,6$ эди. 8 та (19,0%) эркеклар ва 10 та (23,8%) аёлларда ўнг буйрак раки ташхиси қўйилди, чап буйрак раки 10 (23,8%) эркек ва 14 (33,3%) аёлларда ташхис қўйилди.

Учинчи гуруҳ 53 (40,8%) бемордан иборат бўлиб, кенгайтирилган лимфодиссекция билан нефрэктомия ўтказилди. Ушбу гуруҳда аёллар 25 (47,2%) га нисбатан 28 (52,8%) эркекларнинг салмоғи кўп бўлди, нисбат 1:1,1 га тенг. Ёш оралиғи 21 дан 75 ёшгача, беморларнинг ўртача ёши $52,0 \pm 1,3$ йилни ташкил қилади. Эркекларда 12 (22,6%) ҳолатда ўнг буйрак раки аниқланди, 16 (30,2%) ҳолатда чап буйракда. Аёллар учун бу кўрсаткичлар мос равишда 12 (22,6%) ва 13 (24,5%) бўлди.

Босқичларга кўра беморларнинг тақсимланиши қуйидагича: иккинчи босқичда 65 (46,1%) бемор; учинчиси - 45 (34,6%) ва тўртинчи - 18 (13,8%) беморда кузатилди. Барча гуруҳларда беморларнинг кўпчилигида касалликнинг иккинчи босқичи кузатилди: биринчи гуруҳда 10 (30,3%) беморда, иккинчи гуруҳда 18 (42,8%) беморда, учинчи гуруҳда 32 (58,2%) беморда.

Маҳаллий лимфа тугунларининг метастатик зарарланишлари бўлган беморларнинг сони: N1 - 32 (24,6%), N2 - 8 (6,2%). Қолган 90 (69,2%) беморда маҳаллий лимфа тугунлари интакт эди.

Беморларда нефрэктомия қилиш орқали олинган жарроҳлик материалининг гистологик текширув натижалари буйрак хужайрали ракиннинг турли гистологик тузилишини кўрсатди.

109 (83,8%) беморда буйрак хужайрали ракиннинг энг кўп учрайдиган ёрқин хужайрали тури аниқланди.

Операциядан кейинги даврда тизимли иммунотерапия ва мақсадли даволаш амалга оширилди. Иммунотерапия "Роферон-А" препарати билан кунига мушак орасига 3 миллион МЕдан 10 кун инъекцияқилиш йўли билан амалга оширилди. Курслар орасидаги танаффус 3 хафта бўлди. Даволашнинг самардорлиги 4 курсдан сўнг баҳоланди (халқаро мезонларга мувофиқ). Мақсадли даволаш Пазопаниб билан 80 мг/кунига перорал схемага мувофиқ амалга оширилди. Операцион материални иммуногистокимёвий текшириш (ИГК) лабораторияда кетма-кет парафинли бўлинмаларда амалга оширилди: «PremiumDiagnostics» МЧЖ, Тошкент ш., Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 618А. Лицензия рақами №1260-00 серияси А№005951. Препарат Тв/Х 00058/03/15 рақамли рўйхатга олиш гувоҳномасига эга, рўйхатдан ўтказиш санаси 13.03.2015 дан 13.03.2020 га қадар. Ишлабчиқарувчи: Dako Denmark A/S, Dania Dako productions vej 42, DK-2600 Glostrup Denmark.

Юқорида қайд этилганидек, барча беморлар лимфодиссекция ҳажмига қараб гуруҳларга бўлинди.

Биринчи гуруҳда одатдагидек (лимфа тугунлари диссекциясиз) нефрэктомия ўрта кириш билан бажарилди.

Иккинчи гуруҳда нефрэктомияселективлимфодиссекцияси билан тўлдирилди. Ўрта кесим билан лапаротомиядан сўнг қорин бўшлиғи текширилди. Ретроперитонеал бўшлиқ очилди, кейин лимфа тугунлари катталашгандаёки лимфа тугунлари метастатик зарарланишига шубҳа қилингандалимфатик коллекторларнинг бир гуруҳилимфодиссекция қилинди, сўнгра нефрэктомияқилинди.

Учинчи гуруҳда кенгайтирилган лимфодиссекция билан нефрэктомияқилинган. Техникаси: лапаротомиядан кейин ичакнинг тутқичлари медиал сурилади, ошқозон ости беши, аортани ўраб турган тўқима ва пастки ковак вена ҳам сурилади. Шундан сўнг қорин парда орти бўшлиғи аортанинг бифуракация проекцияси даражасидан юқорига қараб очилади, сўнгра Трейцбойламининг кесилиши билан ретроперитонеал бўшлиқочилади. Чап буйрак венаси ажратилади ва турникетга олинади, шундан кейин лимфодиссекция бошланади. Биринчи даражали лимфа тугун-

лари олиб ташланади, латероаортал лимфа тугунлар, чап буйрак венасининг аорта билан кесишмасидан а.mesenteriainferior бошлангунча 6-7 гача, ретроаортал (1-2), преаортал (10-12), иккинчи даражали лимфа тугунлари: юқори мезентериал артериянинг бошида жойлашган ретро-кавал лимфа тугунлари (2-4), интераортокавал- 3, юқори ёнбош - 3, умумий 24-30 лимфа тугунлари олинади.

Ўнг буйрак ўсмасида биринчи навбатдаги лимфа тугунлари олинади: прекавал 2-3 та, латерокавал 3-4, ретрокавал 2-4, кейин иккинчи даражали лимфа тугунлари: 3 тагача юқори мезентериал артерия даражасидаги интераортокавал ва 3 та юқори ёнбош лимфа тугунлари, жами 14-19 лимфа тугунлари олинади, ўсма чап томонда жойлашганда пастга тушувчи, кўндаланг йўғон ичак сурилади.

Нурли текшириш усулларнинг натижаларини қиёсий баҳолаш натижалари диссертациянинг "**Буйрак хужайрали ракидамаҳаллий лимфа тугунлари метастатик зарарланишида КТ, МРТ ва УТТ диагностик маълумотлигини қиёсий баҳолаш**" га бағишланган учинчи бобида келтирилган.

Буйрак саратонининг маҳаллий лимфа тугунларига метастаз бериш мезонларини баҳолашда қуйидаги натижалар олинди.

УТТ маълумотларига кўра 15 ҲИ натижалар, 24 ҲС, 11 ЁИ ва 11 ЁС натижалари олинган. КТ натижаларига кўра ҲИ 22 та ҳолатда, 25 та ҲС, 7 та ЁИ, 5 та ҳолатларда эса ЁС аниқланди. МРТ да 28 ҳолатда ҲИ натижалари, 25 та ҲС, ЁИ 3 та ва ЁС 3 та ҳолатда аниқланди (1 жадвал). МРТ сезгирлиги - 90,3%, бу мезонни ташхислашда КТ - 81% билан деярли бир хил бўлди, УТТ - 57,7%. УТТ спецификлиги – 68,6% КТ – 78,1% ($P < 0,01$) ва МРТ – 89,2% ($P < 0,001$) спецификлигидан паст бўлди, МРТ аниқлиги - 89,8% бу мезонни ташхислашда КТ - 79,6% билан деярли бир хил бўлди, УТТ дан – 63,9% юқори бўлди (1-жадвал).

Аорта соҳасидаги лимфа тугунларини аниқлашда деярли шунга ўхшаш натижалар олинган. УТТ да 12 та ҳақиқий ижобий натижалар, 13 та ҳақиқий салбий натижалар, 8 та ёлғон ижобий натижалар ва 4 та ёлғон салбий натижалар аниқланди. КТ олинганида: ҲИ - 14 натижалари, ҲС - 16, ЁИ - 4 ва ЁС - 3 натижалари аниқланди. МРТ га кўра, ҲИ натижаси 16 ҳолатда, 19 та ҲС ва 1 тадан ЁИ ва ЁС натижалар аниқланди. Ушбу тарқалиш мезонини аниқлашда энг яхши натижалар магнит-резонанс томография ёрдамида аниқланди. МРТ нинг 94,1% сезувчанлиги хар иккала КТ - 82,3%, УТТ - 75% сезувчанлигидан юқори бўлди. Шунга қарамасдан, МРТда ўзига спецификлик ҳам юқори бўлган - 95%, КТ-80% ва 61,9%, УТТ - 67,6% дан юқори бўлди.

Маҳаллий лимфа тугунлар зарарланишини баҳолашда УТТ, КТ ва МРТ
маълумотлилик кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш

		УТТ		
		Сезгирлиги, %	Специ- фиклиги, %	Аниқлиги, %
Лимфа тугунларининг катталашшиши	Паракавал	57,7±6,4	68,6±7,3	63,9±7,5
	Аортокавал	68,8±5,4	67,3±6,9	67,7±6,4
	Аортал	75±5,4	61,9±6,9	67,6±6,4
		КТ		
		Сезгирлиги, %	Специ- фиклиги, %	Аниқлиги, %
Лимфа тугунларининг катталашшиши	Паракавал	81,0±8,9	78,1±9,0**	79,6±9,0
	Аортокавал	82,4±7,0	84,4±8,9	83,3±8,0
	Аортал	82,3±7,0	80±8,9	81,0±8,0
		МРТ		
		Сезгирлиги, %	Специ- фиклиги, %	Аниқлиги, %
Лимфа тугунларининг катталашшиши	Паракавал	90,3±7,2	89,2±7,5***	89,8,0±7,3**
	Аортокавал	92±5,0	93,4±6,0*	92,7±5,4*
	Аортал	94,1±5,0	95,0±6,0*	94,5±5,4*

Изоҳ: * - УТТ кўрсаткичларига нисбатан фарқ аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$); КТ ва МРТ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ аҳамиятсиз ($P > 0,05$)

Иқтисодий самарага МСКТ давомида экскретор урография ўтказиш шарт эмаслиги билан эришилди, чунки МСКТ да бир вақтда сийдик йўллари контрастли ўрганиш амалга оширилади. МРТ билан бундай имконият мавжуд эмас, шунинг учун буйракнинг функционал хусусиятларини ўрганиш учун экскретор урография бажарилиши керак, бу эса харажатларни кўпайишига олиб келади.

"Буйрак саратони касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг бевосита натижаларини қиёсий баҳолаш" деб номланган тўртинчи бобда беморларни жарроҳлик усули билан даволаш натижалари баён этилган.

Жарроҳлик даволанишининг эрта натижаларини баҳолаш учун Clavien-Dindo нинг умум қабул қилинган таснифи қўлланилди.

Эрта постоперативасорат 47 (15,7%) беморда кузатилди. 1 гуруҳда 5 (15,1%) беморда операциядан кейинги дастлабки асоратлар ривожланди. 1 (3,0%) беморда буйрак етишмовчилиги аниқланди. Операциядан кейинги даврда кўплаб органлар етишмовчилиги ва миёда ўткир қон айланиши бузилиши 1 (3,0%) ҳолатда ривожланиб, 2 (6%) ҳолатда қорин бўшлиғи органларининг эвентерацияси кузатилди, 2 (6,0%) беморда операциядан кейин-

ги жарохатлар йиринглаши аниқланди. Постоператив фистула кўринишидаги кечки асоратлар 2 (6,0%) беморда ва 1 (3%) беморда моёк истисқоси пайдо бўлиши кузатилди. Шундай қилиб, Clavien-Dindo бўйича жарроҳлик асоратлари учун 1-гурухда 1-даража 8 (24,2%) кайд этилди.

2 гуруҳда 7 (16,7%) беморда операциядан кейинги эрта асоратлар ривожланган. 1 (2,4%) беморда ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланди. Қорин бўшлиғи аъзоларининг эвентерацияси ривожланиши 2 (4,8) ҳолатда кайд этилди. Операциядан кейинги жарохатни йиринглаши 2 (4,8%) ва 1 (2,4%) беморда ягона буйракнинг пиелонефрити кайд этилди. Кечки асоратлардан операциядан кейинги чурралар 1 (2,4%) беморда кузатилди, 2 (4,8%) ҳолатда сурункали пиелонефритнинг кучайиши кузатилди, 1 (2,4%) беморда сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиши кузатилди. Ушбу гуруҳда кечки постоперативасоратлар фақат 4-9,5% ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, 2 (4,8%) беморда қорин бўшлиғи аъзолари эвентерация бўлганида реллапаротомия ва қорин деворини тиклаш операцияси бажарилди. Иккинчи гуруҳда Clavien-Dindo бўйича жарроҳлик асоратларнинг 1 даражаси 11та (26,1%), 3-даража 2та (4,9%) беморда аниқланди

2-жадвал

Кечки операциядан кейинги асоратлар ривожланишига кўра беморларнинг тақсимланиши

	Биринчи гуруҳ, n=53		Иккинчи гуруҳ, n=42		Учинчи гуруҳ, n=35		Жами, n=130	
СБЕ 1 даража	1	1,9	0	0,0	2	5,7	3	2,3
Сурункали пиелонефрит	0	0	2	4,8	0	0	2	1,5
Операциядан кейинги чурра	0	0	1	2,4	0	0	1	0,8
Эвентерация	0	0	2	4,8	0	0	2	1,5
Битишма касаллиги	3	5,7	2	4,8	2	5,7	7	5,4
Маълумот йўқ	4	7,5	5	11,9	2	5,7	11	8,5
Асорат кузатилмади	43	81,1	34	81,0	29	82,9	106	81,5
Жами	48	90,6	41	97,6	35	100,0	124	95,4

3 гуруҳда 10 (18,2%) беморда операциядан кейинги эрта асоратлар ривожланган. 2 (3,6%) беморда ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланди. 1 (1,8%) беморда полиорган етишмовчилиги кузатилди. 2 (3,6%) беморда ягона буйрак пелонефрити ривожланди. Операциядан кейинги жарохатни йиринглаши 3 (5,4%) та ҳолларда топилди. Якуний гемостазнинг ноадекватлиги натижасида операциядан кейинги қон кетиш 2 (3,6%) беморда

кузатилди. Буйрак соҳасидаги постоператив гематома ҳосил бўлди ва релапаратомия бажарилди. Кечки асоратлардан 2 (3,6%) ҳолатда сурункали пиелонефритнинг кучайиши, сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиши 1 (1,8%) беморда кузатилди. 2 (5,7%) беморда битишма касаллиги кузатилди. Ушбу гуруҳда операциядан кейинги кечки асоратларнинг умумий сони 5 га (9,1%) тенг булди. Clavien-Dindo буйича жарроҳлик асоратларнинг 1-даражаси 15 (25,4%)та, 3-даражаси 2 (3,6%) ҳолатда кузатилган.

Ҳар бир гуруҳда буйрак саратонини хирургик даволашнинг бевосита натижаларини қиёсий таҳлил қилиш турли хил постоператив асоратлар ривожланишининг жуда паст эканлигини кўрсатди. Фақат 34 беморда (26,1%), операциядан кейинги давр бирон бир асорат ривожланиши билан кечди, жами эрта асоратлар 130 беморлардан 12 (9,2%) тасида ривожланди. Айтиб ўтиш керакки, энгкўпэрта асоратлар селектив лимфодиссекциякилинган беморларда кузатилди жами 42 тадан 5 (9,1%) та беморда, кенгайтирилган лимфодиссекция ва лимфодиссекциясиз нефрэктомия қилинган беморлар гуруҳида асоратлар миқдори 8 та бўлиб (9,1% - n=55 –учинчи гуруҳ; 9% - n=33 – биринчи гуруҳ), бу статистик аҳамиятга эга эмас $p \leq 0,05$ (жадвал 4).

Жарроҳлик амалиётидан кейин маҳаллий асоратларнинг клиник диагностикаси қийинчилик туғдирмайди. Фикримизча, ушбу асоратлар гуруҳи операция техник жиҳатларига ёки хатоларига боғлиқ эмас, балки жарроҳликдаги госпитал инфекциянинг муаммоларини акс эттиради. Маҳаллий жароҳат асоратларини консерватив даволаш барча ҳолларда муваффақиятли бўлди.

Қорин бўшлиғи аъзолари эвентерацияси ва операциядан кейинги қон кетиши каби хавфли асоратлар кўп кузатилди - мос равишда 3% ва 1,5% ни ташкил қилди. Жарроҳликдан кейинги бир йил мобайнида биронта бемор йўлдош соматик патологиянинг декомпенсацияси туфайли нобуд бўлмади.

Операциянинг ҳар бир босқичида жарроҳликнинг тезлиги ва давомийлигини ўрганиб чиқдик, яъни:

1-босқич: терининг кесилиши - лапаротомия (жарроҳлик капсуласини очиш);

2 босқич: буйракқон томирлари оёқчасига кириш;

3-босқич: буйрак томирларини боғлаш;

4-босқич: лимфодиссекция бажарилиши

5-босқич: нефрэктомия

Албатта, ушбу босқичлар орасида энг муҳими 2 ва 3 босқичдир. Иккинчи - аорта ва пастки ковак венага бирикиш жойида буйрак артерияси ва венасига эҳтиёткорлик билан кириш керак, буйрак паренхимасига тегмаслик керак, чунки барчага маълумки, буйракни силжитиш вақтида буйрак тракциясини бажаришга тўғри келади ва бу билан ятроген гематоген ёки лимфоген метастазланишни кўзғатиш мумкин; ва учинчиси - парааорталёки паракавал лимфа тугунларининг лимфодиссекцияси.

Операциянинг 1-босқичи лапаротомия биз томондан оптималлаштирилди ва жами операцияда 7-10 минутгача давом этади. Ушбу босқичга тери, апоневрознинг кесилиши, лапаротомия, қорин бўшлиғи аъзоларини кўриб чиқиш билан Сигал жароҳатни кенгайтиргичини қўйиш киради.

Жадвалдан кенгайтирилган нефрэктомия ўтказиладиган вақт кўриниб турибди. Жадвалга кўра, бутун операциянинг давомийлиги тахминан 1,5 соатни ташкил этади (90,4, уларнинг 35-40 дақиқаси маҳаллий лимфоколлекторлар ва магистрал томирларга жарроҳлик йўли билан киришга сарфланади жадвал 3).

Буйрак томирларига кириш вақтида аввал буйракни силжитиб, кейин қон томирларида ишлаш керак. Бизнинг модификациямизда лапаротомиядан сўнг фақатгина ўн икки бармоқли ичак силжитилади, Трейц бойлами кесилди ва аорта ҳамда пастки ковак вена кўринади, бир қаторда лимфа тугунлари ҳам пайдо бўлади. Томирларни боғлаш ва параллел равишда лимфодиссекцияни ўтказиш учун қулай. Бу босқичда ўсмали буйракни безовта қилишнинг ҳожати йўқ. Амалиётнинг ушбу босқичини узайишининг асосий сабаби, энг охири ҳолатдадир.

3-жадвал

Алоҳида босқичларга сарфланган вақт (алоҳида босқичлар давомийлиги)

Операция босқичлари	Стандарт усул вақти (мин)	Такимиллаштирилган усул давомийлиги (мин)
I – тери кесими – лапаротомия	10	10
II – магистрал томирлар ва лимфоколлекторларга жарроҳлик усулида кириш	35-40	15-20
III – буйрак томирларини боғлаш	8-9	7-8
IV – Лимфодиссекция	25-30	25-30
V – нефрэктомия	15-20	15-20
Жами	93-109	62-78

Операция вақтини қисқартириш билан, биз операция нархини пасайтирамиз, чунки анестезиологик қўлланма сарфи ҳам камаяди. Анестезиологик дориларига сарф-харажатлар камаяди: наркотиклар, релаксантлар, кислород ва бошқалар.

"Иммуногистокимёвий текшириш усули билан буйрак ҳужайралари саратонида ўсма фаоллигининг морфологик мезонларини аниқлаш" Диссертациянинг бешинчи бобида 130 та бемордан 40 тасида VEGF-C билан иммуногистокимёвий таҳлил ўтказилди. Беморлар учта шартли гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ - рецидив ва метастазсиз 10 та бемор, 2 гуруҳ - лимфа

тугунларига метастаз билан 20 та бемор ва 3 гуруҳ - 10 та бемор, операциядан кейинги даврда метастаз ёки рецидив кузатилган.

Иммуногистохимёвий текширишда VEGFнинг юқори экспрессияси билан ижобий реакция асосан ўсмаларининг дифференциацияси G-3 ва G-4 даражасида, 28 (55%) та беморда кузатилди. 1 гуруҳда юқори ва ўрта даражали дифференциацияланган ўсмаларда 3 (30%) салбий экспрессия қайд этилди. Кам ва дифференциаллашмаган ўсмаларда VEGFнинг ўрта ва юқори экспрессияси кузатилди (50%), ушбу беморларда кейинги кузатувлар натижасида маҳаллий рецидив ёки кечки метастаз аниқланди.

Операциядан кейинги даврда ўтказилган гистопатологик текширувларда лимфа тугунларига метастаз аниқланган беморларнинг иккинчи гуруҳида 16 тасида (75%) G-4 билан VEGF-C нинг юқори экспрессияси, G-3 да ўртача экспрессия 15% ҳолларда кузатилди. Салбий ифодани фақат G-3 билан 1 (5%) беморда аниқланди. Лимфоген метастазда VEGF-C нинг салбий экспрессияси аниқланмади.

4-жадвал

БХР бўлган беморларда ўсма дифференцировкаси даражаси ва VEGF экспрессияси боғлиқлигини ўрганиш

Ўсма дифференцировкаси	Рецидивсиз ва метастазсиз беморлар, n=10					
	Манфий		Ўртача экспрессия		Юқори экспрессия	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
G-1	2	20,0	0	0	0	0
G-2	1	10,0	1	10,0	1	10,0
G-3	0	0	1	10,0	1	10,0
G-4	0	0	1	10,0	2	20,0
Жами	3	30,0	3	30,0	4	40,0
	Лимфа тугунларга метастазли беморлар, n=20					
G-1	0	0	0	0	2	10,0
G-2	0	0	1	5,0	2	10,0
G-3	1	5,0	1	5,0	5	20,0
G-4	0	0	1	5,0	7	35,0
Жами	1	5,0	3	15,0	16	75,0
	операциядан кейинги даврда рецидив ва Метастаз берган беморлар, n=10					
G-1	0	0	0	0	1	10,0
G-2	0	0	0	0	1	10,0
G-3	0	0	1	10,0	2	20,0
G-4	1	10,0	1	10,0	3	30,0
Жами	1	10,0	2	20,0	7	70,0

3-гуруҳдаги кечки постоператив даврда метастаз ва локорегионар рецидивлар бўлган беморларда VEGF-C нинг юқори экспрессияси кам ва дифференциаллашган шаклларида 5 (50%) кузатилди, шунингдек салбий реакция аниқланмади.

Буйрак саратони билан оғриган 40 нафар беморлар орасида VEGF-C антигени экспрессияси кўрсаткичи 4 (10%)та беморда салбий, 8 (20%)тасида - ўрта даражада ижобий, 28 (70%)тасида –юқори ижобий бўлди.

Олинган маълумотларни VEGF-C антигенининг экспрессияси даражасига кўра қиёсий таҳлилқилиш шуни кўрсатдики, рак бўлган беморларда буйракдаги ўсма жараёнининг ушбу белгиси салбий натижаларининг частотаси сезиларли даражада ва статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p < 0,05$).

VEGF-C нинг юқори даражали экспрессияси беморларда яшовчилиги билан боғлиқ прогнозга салбий таъсир кўрсатади.

Буйрак хужайрали саратонида VEGF-C лимфатик томирларининг эндотелийси ўсиш омили экспрессиясининг ошиши, лимфоангиогенезда марказий рол ўйнайдиган янада аниқ мутацияларга боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу оксилнинг юқори даражада экспрессияси лимфа тугунларига инвазиянинг ёки метастазнинг бошланишини кўрсатади. Шундай қилиб, VEGF-C нинг ошиш даражаси анаплазиянинг ортишига, шу жумладан, лимфа тугунлари яққол метастазлар ривожланишига боғлиқлик тенденцияси мавжуд.

Шундай қилиб, VEGF-C оксилнинг экспрессияси ва радикал нефрэктомиядан сўнг рецидив ва метастазнинг ривожланиши ўртасида боғлиқлик бўлиб, бу прогностик мезонлардан бири хисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хужайра дифференцировкаси даражаси ва оксил экспрессияси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

«Лимфоген метастазли буйрак хужайрали ракини медикаментоз даволашнинг турли усулларининг қиёсий характери-стикаси». Олтинчи бобида операциядан кейинги даврда 130 бемордан 67 беморга адъювант терапия ўтказилди. Улар тўрт гуруҳга бўлинди:

- биринчи гуруҳ - 21 (31,2%), тасдиқланган лимфоген метастаз билан, операциядан кейинги интерлейкинлар билан иммунотерапия ўтказилди.

- иккинчи гуруҳ - 19 (28,3%), тасдиқланган лимфоген метастаз билан бемор, операциядан кейинги даврда иммунотерапия ва сорафениб (никсевар) берилган;

- учинчи гуруҳ - 15 (22,3%), тасдиқланган лимфоген метастаз билан беморлар, операциядан кейинги даврда пазапаниб (вотриент) билан таргет терапия ўтказилган;

- тўртинчи гуруҳ - 12 (17,9%), лимфоген метастазсиз VEGF-C нинг ижобий экспрессияси билан беморлар.

